

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI VAZIRLAR MAHQAMASINING
QARORI**214 Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча жойлаштирилган Қирғизистон Республикаси фуқароларига инсонпарварлик ёрдами кўрсатган республика ташкилотларига солиқ имтиёзлари бериш тўғрисида**

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 17 июндаги 402–ф-сон фармойишига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча жойлаштирилган Қирғизистон Республикаси фуқароларига инсонпарварлик ёрдами кўрсатган республика ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Давлат захирасидан товар-моддий бойликларни бепул ажратиш билан бир қаторда 2010 йилнинг июнь ойида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча жойлаштирилган Қирғизистон Республикаси фуқароларига республика ташкилотлари томонидан бепул товарлар бериш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ва ихтиёрий хайриялар тарзида 10,0 млрд сўм миқдорида инсонпарварлик ёрдами кўрсатилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2010 йилнинг июнь ойида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча жойлаштирилган Қирғизистон Республикаси фуқароларига инсонпарварлик ёрдами кўрсатган республика ташкилотлари фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиқ солинадиган базани улар томонидан инсонпарварлик ёрдами сифатида берилган товарлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ва ихтиёрий хайриялар қийматига камайтиришга ҳақлидир.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси:

Андижон, Фарғона Наманган вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда кўрсатиб ўтилган солиқ имтиёзини олиш ҳуқуқига эга бўлган ташкилотлар рўйхатини, шунингдек уларнинг солиқ солинадиган базасини камайтириш миқдорларини аниқлаштиради;

берилаётган солиқ имтиёзи тўғри қўлланилиши юзасидан қатъий назоратни таъминласин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2010 йил 7 июль,
140-сон